

# Ishonch




## БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ СПОРТ ОЛИМПИАДАСИГА СТАРТ БЕРИЛАДИ

ёшлари билан «Универсиада—2007» бўйича дастлабки таассуротларни ўртоқлашарди.

**Набижон Норматов, шахмат бўйича Сурхондарё терма жамоаси аъзоси:**

— Мен 2002 йил Бухородаги ҳамда 2004 йил Самарқанд шаҳрида ўтган Универсиада мусобақаларида ҳам қатнашгандим. Термиз Давлат университетида ўқийман. Бу йил магистратура йўналишида 2-босқични тугатаман.



оқлашга интиламиз.

**Умида Ҳайдарова, Сурхондарё теннис бўйича қизлар терма жамоаси аъзоси:**

— Универсиада бахсларида биринчи бор қатнашдим. Термиз Давлат университетида менга ишонч билдиришган, жуда ҳаяжонландим. Вилоят босқичидан ўтган, ҳаяжон ўрнини масъулият эгаллади. Мана, Тошкент халқаро аэропортида кутиб олиш жараёнини қаранг. Кишига қанчалар хурсандчилик улашадиган манзара. Фурсатдан фойдаланиб, барчани олиндаги спорт ва ёшлик байрами билан табриклармоқчиман.

Дарҳақиқат, спорт ва ёшлик байрами, «Универсиада—2007» мусобақалари бошланади. Қорқалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар терма жамоалари таркибидagi 1946 нафар талаба-спортчилар сафидан эрта-индин медаллар соҳиблари, «Универсиада—2007» чемпионлари ва совриндорлари номи маълум бўла болади. Ташкилотчилар спорт турлари бўйича ўз маҳоратини намойиш этган голиб ва совриндорларга аjoyиб совғалар, олтин, кумуш ҳамда бронза медаллари таъсис этишган.

Бугун эса пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт мажмуасида «Универсиада—2007» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

**Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

тенниси, шахмат, футбол, кўл тўпи, сузиш, джудо. Ҳар бир спорт бешлашувлари халқаро мезонлардан келиб чиқиб, олимпия ўйинлари тизими асосида ташкил этилади.


Универсиадада I, II, III ўринни қўлга киритган спортчилар ҳамда жамоалар халқаро қоидаларга мувофиқ олтин, кумуш, бронза медаллари, эсдалик совринлари ҳамда ташкил қўмитанинг тегишли дипломлари билан мукофотландилар.

IV, V, VI ўрин соҳиб бўлган спортчилар «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон касабалари Федерацияси Кенгаши ва хомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Фолиблар орасидан жаҳон миқёсида ўтказиладиган Универсиада мусобақаларида қатнашиш учун Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларига номзодлар танлаш ҳам асосий мақсадлардан биридир.

**Мирза Анвар КАРИМОВ**

## Ўзбекистон—улкан имкониятлар мамлакати



лиги 1200 метр бўлган, биринчи марта монолит тиргаклар кўтариш технологияси қўлланилган ҳолда бешта кўприк бунёд этилади. Уларнинг лойиҳа қиймати 4 миллиард 544 миллион япон иенасига тенг.

— Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз мустақамлаб бормоқда, — дейди Япония халқаро ҳамкорлик банкнинг ижрочи директори Тетсуо Шюгучи. — Янги кўприклар мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий алоқаларни, дўстлик ришталарини мустақамлашга хизмат қилади.

Дарбанд темирйўл станциясида янги ва ўзига хос мураккаб конструкцияли металл кўприклар

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда ягона миллий темирйўл тизимини яратиш, уни жаҳон андозлари даражасига етказиш, халқаро транспорт бозорига ўз салоҳиятига эга бўлишни таъминлашга қаратилган ислохотлар изчиллик билан амалга ошириляпти.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компаниясига қарашли 214-маҳсус қурилиш станцияси ишчиси Баҳодир Илёсовни ҳаммасблари билан жўшқин иш жараёнида учратдик. Кўп йиллик самарали меҳнати эвазига ватанинг юксак мукофоти — Ўзбекистон Қарамон унвони билан тақдирланган, кўксини «Олтин

## Бунёдкор қўллар Яратган йўллар



тегмайди. Қисқа мuddатда 57,7 километрли «Тошгузар-Дехқонобод», 59,1 километрли «Қўмқўрган-Бойсун» темирйўли ишга тушди, ўнлаб ёрдамчи иншоотлар фойдаланишга топширилди. Чашмаи Ҳафизон, Тангимуш ва Шўрбоддаги галереялар, Тошгузар, Дехқонобод, Оқрабоб, Қўмқўрган, Бойсун бекатларида йўловчиларга барча қўлайликлар яратилган. Дехқонободнинг Қорадаҳна тоғ чўққисиде қурилган баландлиги 42, узунлиги 232 метрли улкан кўприк ўзининг мустақам муҳандислик ўлчамлари билан ажралиб туради.

Юлдуз» медали беазаган фидойи темирйўлчи умрининг чорак асрини темир йўл қурилишига бағишлади.

— Аҳил ва иноқ жамоамиз билан «Навий-Учкудук-Мискин-Султон Увайс-Тоғ-Нукус» темирйўли қурилишида қатнашиб ози-кўпни таъриба ортирдик, — дейди у тоғлараро чўзилиб кетган «пўлат излар»га фахр билан боқиб. — Биз қурган йўллар она юртимиз иқтисодийнинг муҳим стратегик иншооти ҳисобланади.

Бундан тўрт йил муқаддам асос солинган, умумий қиймати 450 миллион АҚШ долларига тенг 223 километрли «Тошгузар-Бойсун-Қўмқўрган» темир йўлининг Қашқадарё вилояти ҳудудидан ўтган қисми ниҳоясига етказилиб, юк поездлари қатнай бошлади.

Қурилишининг илк босқичи тугалланшига Баҳодир Илёсов ишлайётган жамоа ҳам муносиб ҳисса қўшди. Рустам Мейлиев, Анвар Турсунов, Турсун Шерматов, Собир Ризоку

лов сингари фидойи ишчиларнинг меҳнати туфайли тоғлар бағрида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Бир-биридан кўрак темирйўл бекатлари, разъезд ва кўприклар, 250 дан зиёд сунъий сув ўтказиш иншоотлари қурилди. Қир ва адирлар текислаиб, асрий қоялар кесилди, «пўлат излар» ётказилди.

— Аср иншооти сифатида эътироф этилаётган ушбу қурилиш нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда ҳам ягона, — дейди Қарши-Термиз минтақавий темир йўли бўлими бошлиғи Ибодулло Арслонов. — Ушбу йўналишда 6 та бекат, 10 та разъезд, 44 та кўприк, 507 та сунъий иншоот қурилиши режалаштирилган.

Бунёдкорлик ишлари мураккаб шароитларда олиб борилаяпти. Баланд тоғлар бағрида бульдозер ва экскаваторлар, КамАЗ ва КраЗларнинг хайқирғи бир зум тинмайди. Қурувчи ва йўлсозлар, бургулаш усталари, кўприксоз ва «пўлат из» ётқизувчиларнинг қўли қўлига

қуриш бўйича япониялик ҳамкорлар лойиҳаси тақдироти ҳақиқий байрамга айланиб кетди. 2009 йил 9 апрелгача, яъни 25 ой мuddатда қуриб битказиладиган кўприкларнинг 4 таси Сурхондарё вилояти ҳудудиде бунёд этилади.

Минтақада табиий бойликлар кўп. Айниқса, Хонжиза қонида полиметалл рудаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, Тибегатан қалий ўғитлари қонини ўзлаштиришни амалга ошириш ишларига киришилади. Масалан, Бойсун кўмири ҳавзасида юқори сифатли хомашё қазиб олиш, сланец, аргелит, глауконит, оҳақтош каби ўнлаб табиий қонларни ишга тушириш мумкин. Яна бир муҳим жиҳати, қўшни давлат орқали ўтадиган масофа 184 километрга қисқариб, катта миқдорда маблағ тежаллади.

Буоқ Ипак йўлида ҳаёт яна қайта жонланмоқда. Шарқдан Фарба, Жанубдан Шимолга чўзилган транспорт магистралларида поездлар қатнови йўлга қўйилади. Нафақат йўллар, балки тақдирлар ҳам туташади. Бунёдкор қўллар мўъжизаси билан кўрак бекатлар, маҳобатли кўприклар, йирик иншоотлар, мактаб ва коллежлар қад кўтараяпти.

**Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири**



## ПОЙТАХТИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛЛАШДИ

**Ёшларнинг энг сеvimли байрами, спорт фестивали номини олган «Универсиада» бахслари нафаси юртимизда кезиб юрибди. Кеча Республикаимиз бўйлаб барча вилоятлар терма жамоалари мусобақалар ўтадиган азим пойтахтга, навқирон ва гўзал Тошкент шаҳрига етиб келишди.**

Қорқалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказидан бир олам ҳаяжонлар, омад ва иқболга тўла тилаклар ҳамроҳлигида йўлга чиққан спортчилар Тошкент халқаро аэропорти ҳамда Тошкент вокзалида байрамона тарзда кўтиб олинди.

Аэропорт ҳар қачонгидан байлироқ кўриниш олгандек. Алвон-алвон гуллар, Ватанимизнинг жонажон байроғи, Универсиаданинг ётувбор ёшлик тисмоси акс эттирилган байчуларини кўтарган кўтиб олувчиларнинг руҳияти юқори. Карнай-сур-

най садолари дилларга ажиб тароват бахш этади.

Ана, аэропорт йўлидаги спортчилар кўринди... «Тошкент шаҳрига хуш келибсиз!» «Спорт бирдамлик ва тўтувликка чорлайди!» каби фусункор шiorларни кўтарган кўтиб олувчилар спортчиларга пешовоз чиқшиди. Дилбар қизлар нон-туз улашмишди, гуллар тақдим этилди.

Тасвирчилар видео ва фотоканаларида тарихий лаҳзаларни тасвирга олишга ҳаракат қилар, мухбирлар эса бахтли элнинг спортсвар



## НАВБАТ ҚИЗГИН БАҲСЛАРГА

Яқиндагина турли оммавий спорт тадбирлари, спартакиадалар, универсиадаларда ўз кучларини синаб кўрган кўпгина ёшларимиз бугун жаҳон спорт ареналарида ҳаммаини лол қолдириб, Ўзбекистонни дунёга танитмоқдалар. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги гроссмейстер Рустам Қосимов, эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров, теннисчи Ирода Тулганова, яқиндагина Николай Валуевдек номдор боксчилар жаҳон чемпиони деган номни тортиб олган Руслан Чагаев ва бошқа маҳоратли спортчилар билан ҳар қанча фахрланасангиз арзийди. Эндиги вазифа номдор спорт усталари билан фахрланибгина қолмай, уларга муносиб издод бўлиш, улардан ҳам юксакроқ натижаларни қўлга киритишдир.

Тошкент шаҳри мезбонлик қилаётган «Универсиада—2007» мусобақалари финал босқичи шаҳардаги халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган спорт мажмуаларида бўлиб ўтади.

Спортчи-талабалар ва меҳмонлар 20 июнда кўтиб олинди. Бугун эса «Ёшлик» спорт мажмуасида (собик «Старт») «Универсиада—

2007» финал босқичининг очилиш маросими бўлиб ўтади ва мусобақаларга старт берилди. Спорт мусобақалари 24 июнга қадар давом этади.

«Универсиада—2007» мусобақалари жами ўн иккита спорт тури бўйича ўтказилади: баскетбол, кураш, белбоғли кураш, волейбол, енгил атлетика, теннис, стол

1991 2007

**Касаба уюшмалари**  
Ижтимоий ҳимоя  
Йилида

## Эзгулик карвони тўхтамас...

**Ҳар бир соҳада ислохотлар кенг қанот ёзатган бир пайтда касаба уюшмаси ташкилотларининг ўрни ҳамият равақига бекибёс аҳамиятга эга. Инсон манфаатларини ҳимоя қилишдек эзгулик карвонининг сарбони айнан улардир. Эътироф этиш керакки, бугунги кунда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Наманган меҳнатқашларининг суянган тоғига айилди қолмоқда.**

Меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида тузилган келишувлар ва жамоа шартномаларига қўра, кенг фаолият юритилаяпти.

Айни пайтда 14742 та юридик мақомга эга бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар мавжуд бўлиб, улардаги ишловчилар сони 367871 нафарни ташкил этади. Вилоят бўйича 9206та жамоа шартномалари тузилган.

1 та вилоят миқёсида, 13 та вилоят тармоқ келишувлари, 12 та ҳудудий келишувлар, 47 та тармоқ келишувлари қабул қилинганлиги диққатга сазовордир.

Чунончи, жамоа шартномаларида ишчи-ҳодимлар, жумладан, аёлларга талай имтиёзлар белгиланган. Умуман, ушбу ҳуқуқий ҳужжат кишилар ҳаётида муҳим ўрин тутаетир. Хусусан, шундан келиб чиқиб, кам таъминланган 7766 оиллага 102,3 миллион сўм, 2269 та кўп болали оиллага 29,8 миллион сўм, 207 нафар пенсионерга 23,5 миллион сўм, 2024 ногиронига 21,4 миллион сўм, 3912 нафар уруш ва меҳнат фахрийсига 46,3 миллион сўм, 584 нафар байналмилал жангчига 7,9 миллион сўм миқдорда модадий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 803 нафар кўп болали аёлнинг иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди. Бунинг учун корхоналарнинг 5,8 миллион сўмлик маблағи сарфланди.

(Давоми 2-бетда)



# Ижтимоий ҳимоя йилида



## ҚУВИБ ЮРАДИ

### Очерк

нинг гардиши билан калхоз ширкат ҳужалигига айланди. Энди у пудратчилар етакчиси эди. Хар йили зиммасидаги вазифани шараф билан утди. Жами 30 гектар майдоннинг хар гектаридан 61 центнердан галла олишга эришилди. Шартномадаги режадан олтига ортиқ пудратчиларнинг ўзлари бўлиб олинди.

## Ўзбекистон Қахрамони

жойда, иш қайнади. Натижада унум зўр бўлади. Даромадга яраша буромад қилинади, — дейди Абдураим ака. — Ахир, ислохотларнинг бош мақсади ҳам инсонни бахтли қилиш-ку. Кечаги буз йилнинг ёши бугун 64 да. Бироқ ҳали унинг орзу-умидлари бисёр. Абдураим ака ҳамон даладан бери келмайди. Қиёфасида жўшқинлик, ўқтамлик сези-

харфлар билан ёзилади арзийди. Бир неча йил муқаддам, мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида у «Меҳнат шўхрати» орденига сазовор бўлганди. Дусларидан бири: — Қахрамонлик унвони берилса, нима қилган бўлардингиз? — сўради ярим ҳазил, ярми чин қилиб. — Ушанда Абдураим ака деҳқонларгагина хос соддалик билан: — Наҳот, шундай унвонга лойиқ кўришса, — деганди жилмайганча.

Фаришталар омин деган экан. Уч йил олдин Ўзбекистон Президентининг Фармони билан узоқ йиллик самарали меҳнатлари учун Абдураим Ҳамидовга Ўзбекистон Қахрамони унвони берилди. «Шаҳанд ҳумо қуши» фермер ҳужалиги йил сайин юксалиб бораётди. Шийпондаги сўрида ёнбошлар Абдураим ака янги-янги режалар тузади. Енгинасида жилдираб оқаётган жилга унинг ўйларига ҳамоҳанг сокин қўшиқ айтади.

Шарофат ИСКАНДАР қизи

Наманган вилояти Чуст туманида 845 та фермер ҳужалиқларининг экин майдонларида миллий бойликларимиз — галла ва пахтадан мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Суратда: «Ҳабибжон Зияев» фермер ҳужалиги раҳбари Х. Зияев пахта ниҳолларининг баравж ўсаётганидан мамнун.

П.АКБАРОВ олган сурат



## Бор бўл, оқибат!

Ҳайдовчим Алишер Каримбоев шу ерда кўз ўнгимда улғайди. Ота-онани қандайдир жиноятга қўл уриб қамалиб қолган, ўтган йиллар давомида онаси атиги бир марта келиб кетганди. Елғиз синглиси Раҳима алақандай қариношининг уйда катта бўлди.

Уни Тўрақўрғон қишлоқ ҳужалиги коллежида жўнатдик. Ширинсухан, хушсурат бу йилгит ўз ўғлимдек бўлиб қолганди.

Йиллар елвизак мисол ўтди. Алишер Гулбаҳор исми қизга кўнги қўйганини айтди. Совчиликка бордик. Гулбаҳорнинг отанаси бамаъни кишилар экан, рози бўлишди. «Тўйни қаерда ўтказасак

бўлмаса, ҳеч қим ўлмаса ёки ўз жигарбандини аро йўлда қолдирмасам. Афсуски, ҳаёт — бешафқат, хар доим ҳам истаганимиз бўлавермайди. Тўйи билан мишжа қўқмадим. Умидбахш оппоқ тонг оқариб келар-

Кўёш азонда ҳазин нур сочиб турарди. «Гова» қишлоғида жойлашган «Меҳржон» оромгоҳимиз элас-элас кўзга ташланарди.

Манзара ниҳоятда гўзал: Бир томонда «Говасой» шовулба оқиб ётибди. Бир ёнда осмонга туташ олмос чўққилар борлиққа салобат бахш этибди. Соя-салқин боғда ўйнаб юрган болалар кўринди. Бехос «Ойжон» деган нидо қалбимни тилқалаб юборди. Сўнг эса 80 нафар ўғил-қизимиз биз

# ОНАЛИК БУРЧИ

## Лавҳа

«экан» деган савол кўнглимда чигил бўлиб турарди. «Гўзал» тантаналар мажмуаси раҳбари, Наманганда таниқли тadbirkор Аҳмаджон ака Юсупов жонимизга оро кирди.

Унинг ҳимматидан бошим осмонга етди. Тадорикни бошладик. Тўй баъзи ўтди деган зал чўғдек безатилди. Дастурхон — тўқис, куй-қўшиқлар авжи-га минган. Назаримда шу оқшом Наманган аҳли тўйга оқиб келди. Алишер билан Гулбаҳор шахзода ва маликага ўхшарди.

Болалар вояга етиб, катта ҳаёт йўлига чиқарилган, уларга оқ йўл тиллаш вазифамиздир. Яна янгилик келишади. Чағаланинг мунгли кўзларидек гамгин кўзларни кўриб сиқилиб кетаман. Кошқийди, етимлик

ди. Аллақердадир булбул нолон сайради. Диллимни муҳам ҳис қамради. Тўсатдан жиринглаган телефон хаёлларимни пардек тўзғитиб юборди. Гўшақни олсам, вилоят таълим ва фан ходимлари касба уюшма кенгаши раиси Роза Тоштемирова.

— Оромгоҳда болаларнинг аҳоли қандай? — Яхши. Бугун ўтиб келсамми, деб турибман. — Бирга ўтайлик, бўлмас...

— Жуда яхши бўларди-да... Бир соатдан сўнг учрашишга келишдик. Алишерга машинани тайёрлашни буюрдим. Касба уюшмалари — доимий дўстларимиз. Тез-тез ҳолимиздан хабар олишиб, қувонч ва ташвишли кўнларимизда бирга бўлишадим. Қисқа фурсатдан сўнг Чуст туманига жўнадик.

томонга отилди. Соғиниб кетишибди... «Ойжон, ойжоним! Сизни соғиндик» каби меҳрли сўзларнинг чеки кўринмасди. Ҳаммаёқ шинам, ораста. Дарахтаранда сархил мева-лар фарқ пишиб ётибди. Бу сўлим гўшада тарбияланувчиларнинг мириқиб хордик чиқаришлари учун барча шарт-шароит мўҳайб этилган.

— Болаларимнинг тақдир йўллари турлича. Аммо уларни ҳамма вақт бир хотира — беминнат меҳр бирлаштириб туради.

Бола тўққан билан аёл она бўлиб қолмайди. Қачонки, у ўз бурчини бажарса, болага тарбия бера олганина, у она деган муътабар номга мўносиб бўла олади. Тўққан эмас, боққан, тарбиялаган онадир.

Дилором МАТМУСАЕВА, Наманган шаҳридаги 26-«Меҳрибонлик» уйи директори

## Ўзги соғломлаштириш

Ушбу оромгоҳ «Наманган телеком» тасарруфига бўлиб, вилоятдаги энг яхши дам олиш масканларидан бири ҳисобланади. Утган йили «Ёш алоқачи»да кунлар гозат завқли кечганди. Бу йил ҳам уч босқичда 480 нафардан ўғил-қиз соғломлаштирилиши режалаштирилган.

Оромгоҳни кўриш истаги гилиб келди. Саратон кўёш обдон қиздирарди. Биз тушган автоулов кенг

Хуллас, гўшада болаликнинг бетакор эрталари шўқулли кечмоқда. Бунинг учун барча шарт-шароит му-

— Бўлмасам-чи. Спорт барча болаларнинг жонидили-ку ахир.

— Устоз-шоғирдлар ўйинига махлиб бўлган кўйи ошхонага йўналдимиз. У ердаги шинам ва орасталлик кўзни яшнатди. «Таомнома»ни кўздан кечирар эканмиз, Б.Болтабоев изох берди:

Ўтган йил ишларимиз самарали кечди: йилни 86 миллион сўмдан зиёд соф фойда билан яқунлаб, солиқларни ўз вақтида тўладик. Жорий йилда ҳам қўлни-қўлга бериб меҳнат қилаёмиз. Бугунга қадар 531 тоннадан ортиқ қалава — ил ҳамда 2016 минг кв.м. нотўқима мато ишлаб чиқарилди.

## Бошланғич кўмиталарда

шохобча зарур дори-дармонлар билан тўла таъминланган. Бепул тушириб берилган.

Меҳнат муҳофазаси ҳақида яқил фикр юритилиб, энг аввало техни-

ка хавфсизлигига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ишга яраша моддий фаровонлик ҳам ошиб бормоқда. «Бу ерда ишлаб кам бўлаётганимиз йўқ», «Ишларимиз яхшиланиб

бораверса, турмушимиз ҳам фаровонлашади», қабилдаги гап-сўзлар тез-тез қўлоққа чалиниб туради. Жамоянинг хар бир аъзоси эртанги кўнрга катта умид билан қарайди. Ҳали айтганимиздек, касба уюшма аъзоларининг ижтимоий ҳимояси доимо эътиборимизда. Шунингдек, иқтисодий аҳолимиздан келиб чиқиб, савоб ишга ҳам бош қўшаёмиз: «Наврўз» байрами арафасида кам таъминланган оила фарзандларининг 10 нафарига хатна тўйи ўтказилди ва хар бирига «Халқ банки» қошида «Болалар келажиги» омонат турига ҳисоб рақами очилиб, 10 минг сўмдан маблағ қўйилди. Омонат дафтаралари эса ота-оналарига топширилди. Шубҳасиз, бу пуллар болалар улғайганида уларнинг қорига яради.

Бундан ташқари, 56-болалар боғчаси ҳомийликка олинган. Масалан, энг чўмилиш ҳаваси қурлиши учун 500 минг сўм сарфланди. Иш унумдорлиги юксалгани сайин ҳавтимиз ҳам фаровонлашиб бормоқда.

Муҳаббат ҚАРИМОВА, Намитекс-текстил МЧЖ бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси

# ДАРОМАДАН БУРОМАД

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Ириқ сановат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўра 45 та иш ўрни яратилган эди. 5 ой мобайнида касаначилар ёрдами билан 5548 ўрам мато ишлаб чиқарилиб, 10 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Бундан дурустгина даромад қилинди.

Қаерда иш яхши бўлса, ижтимоий ҳимоя ҳақида ҳам бош қотириш мумкин. Яхши-ёмон кунларда жамоа аҳли бир-бирига қамарбаста. Иш жойлари ёруғ ва шинам. Корхона замон талабига мос техник асбоблар билан тўла жиҳозланган. Ишчиларнинг ишга келиб кетишлари учун транспорт ажратилган. Кенг ошхона, ювениш хоналари, гардероб ва бошқа қўлайликлардан улар мамнун. Тиббий



# БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ЭРТАКЛАРИ

## Репортаж

йўл бўйлаб юқорига ўрмалайди. Секин-аста ҳавонинг салқинлашаётгани сезилади. Майин шабада юзимизни, сочларимизни силаб ўтади. Борлик ямийил. Боғ-роғлар, кўкка буй чўзган қорли чўққилар кўзга ташланади. Сойнинг сирли, жозибали шовқини кўнгида ажиб ҳис ўйотади.

Юксак тоғлар бағридан отилиб оқаётган «Почча ота» сойи соҳилида, пурвикор Кўксарой тоғи яқинидаги боғ қуршовида жойлашган «Ёш алоқачи» оромгоҳи энди жуда яқин кўринади.

— Етиб келдик, — дейди вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Баҳодир Болтабоев. Оромгоҳ раҳбари Моҳиржон Мамадалиевнинг тетик хатти-харакатлари, мамнун-масрур қиёфаси, ўзига бўлган ишончи эсимизда қолди. Уни тушуна бўлади. Чунки ишлари зўр.

ҳайб этилган. Шинам, қулай ётоқхоналар, замонавий қилиб жиҳозланган. «Маяна-вият-маруфат» хонаси мавжуд. Кутубхонада 300 та янги китоб китобсеварларни хушнуд этмоқда. Ўзги кинотеатр том маънода хордик масканига айлантирилган. Бу ерда ўтказилаётган тадбирлар, жумладан, ёзувчи ва шoirлар, санъаткорлар ҳамда бошқалар билан учрашувлар келажигимиз воясида катта таасирот қолдирмоқда. Дискотекалар уларнинг қувончига қувонч қўшмоқда. Шунингдек, тоққа саёхатлар ҳам жуда мароқли бўлаётди.

Дунёни унутиб, теннис ўйнаётган, футбол, баскетбол майдонига югуриб юрган болалар диққатимизни тортади. Қорамғиз, бўйдор йигит уларнинг сардори. — Спортга қизиқувчилар кўпми? — сўраймиз М.Мамадалиевдан.

— Хар куни 5 маҳал овқатлантириш йўлга қўйилган. Стол устидан мева, шарбат, минерал сув ва витаминли сархил мевалар аримайди. Тиббиёт шохобчасида шифокор Асилаҳон болалар саломатлигини мунтазам назорат қилади. Бунинг учун бу ерда барча қўлайликлар яратилган.

Жаннатмонанд гўшага махлиб боқамиз. Турли хил гуллар, азамат дарахтлар, соя-салқин жойларга ўрна-тилган ўриндиқлар, аргим-чоқлар осилган ўйингоҳ, ҳикматли сўзлар битилган паннолар, кўкка сачраб турган фаввора, мўъжаз чўмилиш ҳавзаси, кўйингки, барча-барчаси кўнгила су-рур бағишлайди.

Бу ерда хар бир иш пухта режа асосида ташкил этилган. Ўғил-қизлар вақтида ўйнайди, дам олади. Тўғарақларга қатнайди. 30 нафар тарбиячилар улар атрофидан парвона.

Малика ГАЙБУЛЛАЕВА

## Кунларнинг бирида озиқ-овқат дўконидан қаймоқ ва устига «Косонсой» деб ёзилган жажжи, думалоқ шаклдаги пишлоқ сотиб олдим. Унинг сифати жуда юқори эди. Таъми оғзимда қолди. Фарзандларим ҳам мактай-мақтай едилар. Кенжатоим тез-тез «Косонсой» пишлоғидан олиб келинг...», дейдиган бўлди...

Бундай самийий сўзлар қайси табдиркорга ёқмайди дейсиз. Косонсой туманидаги «Чашмаи сафед» (оқ чашма) хусусий кичик корхонаси 1994 йил ташкил этилган. У ҳужалиқлар билан контрактация шартномаси тузиб, сут қабул қилиш ҳамда уни қайта ишлашни йўлга қўйди.

Бошда бироз қийинчиликлар бўлгани рост, аммо корхона раҳбари Ҳамидхон ака Мўйдинхўжаевнинг ишбилармонлиги туфайли масала ҳал этилди. Энг аввало корхонага замонавий кучли механизм керак эди. Россиядан сифатли техник жиҳозлар келтирилди. Сидкидилдан қилинган меҳнат зое кетмади. 12 турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уларнинг илк ми-жозлари шифохона, боғча ва сит-ахтолар эди.

Кейинроқ Туркия техникаси келтирилиб, «Косонсой» пишлоғини ишлаб чиқариш бошланди. Ўз-ўзидан қадоклаш аппаратига эҳтиёж сезилди. Ҳамидхон ака уни Германиядан харид қилди. Маҳсулот сотишни кенг йўлга қўйиш мақсадида Тошкент, Наманган, Косонсой шаҳарлари марказида савдо дўконлари очилди. Иш юришгани сари гайрати ҳам жўшди. Навоий номили хусусий хиссадорлик жамияти билан ҳам-

корлик қилиш мақсадида шартнома имзоланди. Кейинчалик бу икки корхона бирлаштирилиб, «Чашмаи сафед» қишлоқ ҳужалиқ корхонаси вужудга келтирилди. Уша йили корхона асосий ишларидан ташқари чорва молларини кўпайтиришга киришди ва ҳужалиқ-

## Замондошимиз

Шарафиддинов. — Жамоа аҳли тўла ижтимоий ҳимояланган. Иш жойлари қулай ва соз. Келиб-ке-тиш учун ишчиларга махсус транспорт ажратилган. Тушлик текин. Галла йиғим-теримидан сўнг хар бир ишчи-ҳодимга 500 килограмдан бугдой берилди.

«Чашмаи сафед» саховат қарвонидан сира ортада қолаётгани йўқ. Жумладан, «Косон» фуқаро-лар йиғинидаги кам таъминланган оилаларга 350 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларидан қарашилди. «Намуна» фуқаро-лар йиғини кам таъминланган оилалар ва йўллар таъмири учун 280 минг сўмлик ёрдам олди. «Баҳористон» — Истиклол йўналишидаги йўл таъмири учун 2 миллион сўм сарфланди. «Косон», «Ширин», «Баҳористон», «Ровот» қишлоқ фуқаро-лар йиғинидаги ноқор оилаларга ҳамда корхона ишчиларига 20 тонна бугдой тарқатилди. Яна «Косон» ва «Ровот» қишлоқ фуқаро-лар йиғинидаги уч оилага биттадан сигир совага қилинди. Спорт майдонини таъмирлаш учун 760 минг сўм ўтказилди.

Табдиркорлик йўллари ойдин эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлади. «Чашмаи сафед»да амалга оши-рилаётган ишлар ҳам бунинг тасдиқ-ламоқда.

Ҳисомиддин СУЛТОНОВ

## Бугуннинг гапи

# НАМАНГАН ЧОЙИ

Кўшни вилоятдан ташриф буюрган меҳмон билан айланиб юрган эдик. У беҳитиёр чой растаси олдида тўхтаб қолди ва ажабланиб менга қаради: — Ажабо, худди Наманганда чой ишлаб чиқариладигандек алоҳида раста ҳам бор экан. Шунча хил чойни қаердан келтиришди экан? — деди у.

— Хабарингиз йўқми, бизда чой фабрикаси бор-ку! Истиклол шарофати билан чой мустақиллигига ҳам эришдик. Олдинлари хор-риждан келтирилган бўлса, ҳозир ўзимиз-да қадоклашди ва «Наманганда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан сотилапти. Ҳатто водийдаги қўшни вилоятлар савдо шохоб-чаларига ҳам етказиб берилляпти.

Дарҳақиқат, «95» ёрликли чойлар кеча-гина пештахта остида ширинча сотилмас-миди. Бундай чойни ичадиганлар анқонинг уруғи деб қидириб ҳам юришарди. Бу кечаги куннинг гапи. Ҳозир хориж сари эшик-лар кенг очиб қўйилди, табдиркорлар халқимизга манзур бўладиган хар қандай маҳсулотни келтириш имкониятига эга бўлди-лар. Жумладан, «Наманган чойи» деб со-тилаётган маҳсулот тури ҳам ана шу тар-зда харидорга етиб бормоқда. Бунинг учун

фидойи табдиркорлардан хурсанд бўлмо-ғимиз жоиз. Шундайлардан Ҳабибулла Мирзааҳме-дов ака-укалари билан Наманган — Уйчи йўлининг шаҳардан чиқарилишида, Ма-шад қишлоғи худудидидаги фойдаланилмай ётган қадимий иморатни сотиб олди. Мақ-сад—ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш эди. Бунинг учун улар чой етиштирувчи қатор мамлакатларга боришди ва Хитой Халқ Республикасидаги «Ан-Хо» компанияси билан ҳамкорлик қилишни лозим топ-ишди.

1998 йилда «Ал-жаҳон» корхонасининг дастлабки маҳсулоти сотувада пайдо бўлди. Қарабаски, ҳозирги кунда корхонада тайёрланаётган қадокланган ва қадокланма-ган майда, йирик, кўк, қора ҳамда бошқа турдаги чойлар Фарғона водийси аҳоли-сининг эҳтиёжини бемалол қондирмоқда. Корхона қошида аҳолига хизмат кўрса-туви шохобчалар ҳам ташкил этилган. Ма-салан, «Бунёд» сочқ ишлаб чиқаруви кич-ик чеки бунинг ёрқин мисолидир. Бу маҳ-сулотларнинг асосий қисми Россияга экс-порт қилинмоқда. «Ал-жаҳон»да 100 дан зиёд йиғит-қиз фволият кўрсатмоқда.

Илҳом ОБИДОВ

Кўш саҳифани «Ishonch» мухбирлари Шарофат НОРКУЛОВА ва Обиджон ЖУМАНАЗАРОВлар тайёрлашди



Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Республика касабани уюшмалари ҳам меҳнат-кашларнинг, айниқса, аёллар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш билан бир қаторда, уларнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш мақсадида турли тадбирлар уюштирмоқда.

Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгар» маданият саройида Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабани уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилоят вакиллари томонидан ташкил этилган «Она ва бола» анъанавий кўрик-танлови ана шундай маънавий-маърифий тадбир сифатида иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Унда вилоят тармоқ вакиллари тизимидаги «Электримёсанот», «Аммофос», «Ўзбеккиёмёма», «Биокимё», «Ўзбеккумир», «Ўзбекгеофизика» очик акциядорлик жамиятлари, Ангрэн, Янги Ангрэн, Тошкент Иссиқлик электр станциялари, «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонасида меҳнат қилган аёллар ўз фарзандлари билан иштирок этишди.

# «ОНА ВА БОЛА»



# КЎРИК-ТАНЛОВИ

уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти вакили Мавжуда Халилова. — Сараланган ходимлар бугунги вилоят босқичида иштирок этдилар. Оналар ва болаларнинг Ватанимиз тараққиёти, Истиқлол йилларида эришилган утуқ ва муваффақиятларга оид са-

## Касаба уюшма тадбири

волларга зукколик билан жавоб беришлари корхона ва ташкилотларда миллий ғоя тарғиботи, маданий-маърифий ва маънавий,

дилар. Бунда иштирокчиларнинг саҳнага кириб келиши, кийиниши, равои сўзлаши айтибборгани олинди. Иккинчи шарт эса она-

Улар 7 дақиқа ичида бор маҳоратларини намойиш этдилар. Айниқса, хоразмча кўшигу арабча рақс. Ижтимоий ҳимоя йили тадбирларига бағишланган ҳаётини саҳна кўриниши йиғилганларга ўзгача завқ бағишлади.

Кўтаринки руҳ ва ҳаяжонли лаҳзаларга бой кўрик-танловда «Электримёсанот» очик акциядорлик жамиятининг марказий лабораторияси муҳандиси Мадина Арифонова ва ўғли Бобур ҳакамлар ҳайъати томонидан голиб деб топилди.

Нафақат эркин мавзуда, балки донолигу билимдонлиқда ҳам маҳоратларини намойиш эта олган «Аммофос» очик акциядорлик жамиятининг 2-цехи ходими Кундуз Умарова ва қизи Маликага иккинчи, Янгийўл шаҳридаги «Биокимё» очик акциядорлик жамияти лаборанти Гулноза Шохраимова ва ўғли Аббор учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолиблар тармоқ Марказий кенгаши Тошкент вилояти вакиллари томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, ЎзКУФК матбуот котиби**

## Санъат

# БУ БИР МЎЪЖИЗА

Бухоролик санъаткорлар намойиш этган мавригхонликка мусиқашунослар ва хорижий дипломатлар ана шундай баҳо беришди.

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Бухорои Шариф жаҳонга нафақат «Шашмақом» ватани, балки шу табаруқ заминини улуғловчи «Бухорча» ва «Мавриги» сингари халқона ашултурлар рақслардан иборат туркумлар тугилган юрт сифатида ҳам танилган.

Бобо Абдулло, Райим Дангиз, Турсун Раҳматов, Али Ризо, Исмоил Шарипов, Қори Ҳабибжон, Қурбон Раҳматов сингари бетақдор истеъдод соҳиблари ижросидаги «Мавриги» тароналари ёзилган магнит тасмалар бугунги авлодлар учун бебаҳо мерос бўлиб қолган. Аммо ўша кезлардаги овоз ёзиш техникасининг мукамал бўлмагани, ўтган йиллар губори магнит тасмалари сифатида салбий таъсир ўтказгани боис «Мавриги» ёзувлари ўз жанри ва тиниқлигини йўқотди. Шунинг учун ҳам кўхна тароналарни сақлаб қолш ҳамда бугунги ҳофизлар ижросида уларнинг қайта жанрлашгани таъминлашга жиддий киришилди. Бу хайрли ишга халқаро ташкилотлар ҳам бажонидил қўшилдилар.

ёқули Хожақулиев бу томошани кўшиқ ва рақслардан иборат шунчаки концерт дастури сифатида эмас, балки хилма-хил чироклар, нур ўйини, декорациялар, Бухоро либослари чиройи уйғунлашган ўзига хос спектакл даражасида тақдим эта билди. Бухоро мавригхонларининг бу томошасига республикамиз мусиқий жамоатчилиги вакиллари, Тошкентдаги кўпгина хорижий элчихоналарнинг санъат ва маданият масалалари бўйича мутахассислари тақдир этилди.

Бу мусиқий фольклор дастури сеҳрига маҳлиб бўлган томошабинлар ва санъат мутахассислари бухоролик мавригхонларни узок вақт олқишлаб, уларнинг ижрочилик маҳорати га тасаннолар айтишди.

— Швейцария Ривожланиш ва ҳамкорлик агентлиги лойиҳаси асосида CD ва DVD аудио ва видео дискларига ёзиб олинган бу мавригхонлик дастури эндиликда мамлакатимиз ва хориждаги санъат муассасалари, ўқув юртлари, радио ва телевидение каналлари, мусиқа музейлари, видео ва фонотекалар, архивлар ва бошқа тегишли ташкилотларга доимий сақлаб қолиш, асраш ҳамда барчани бу тароналардан баҳраманд этиш учун юборилди. — дейди Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси вилоят бўлими раҳбари Рауф Азевоз. — Санъатимиз мўъжизаси — Бухоро мавригхонлиги хали жуда узок ўша, санъатсеварларнинг меҳна-неча авлодига мусиқий завқ бағишлаб, уларни ҳайратга солаверди.

Мавригхонлик дастурига тайёрлаган бўйича ижодий жараён нафақат Бухорода, балки пойтахтдаги ёш томошабинлар театрида ҳам қизғин давом этди. Мамлакатимизнинг таниқли режиссёри Авли-

**Абдужалил ХАЛИЛОВ**

## Ўз — 2007 ЁНГИН ХАТОНИ КЕЧИРМАЙДИ

Ўз фаслининг жазирама ойлари ҳам яқинлашиб, дастурхонимиз кўрки бўлган хилма-хил мевалар, нознеъматлар пишиб етила бошлади. Айни дамда болажонларимиз соғломлаштириш оромгоҳларида мириқиб дам олишмоқда. Бу ерда яратилган ҳар қандай қулайликлар, тўрақлар, спорт ўйинларига қатнашиб чинқишлари улар учун қони фойда. Албатта, ҳар қайси мақсадда мавсумга пухта тайёргарлик кўрилган. Маъмурий ҳордиқ даврида кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олишга ҳаракат қилинмоқда. Айтиш жоизки, болалар хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, ёнгинга қарши чораларни кўриш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Дам олиш масканларини мавсумга тайёрлаш чоғида эътибордан четда қолган майда камчиликлар ҳам баъзида ёнгин чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис оромгоҳларда бирламчи ёнгин ўчириш асбоб-анжомлари доим шай бўлиши лозим. Айни пайтда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан дам олиш мавсумининг мазмуни ўтишини таъминлаш мақсадида тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўрганилганда, айрим оромгоҳларнинг ёнгинга қарши ҳолати кўнгилдигидек эмаслиги аниқланди. Айни пайтда камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш бўйича чоралар кўрилмоқда. Шунингдек, оромгоҳларга амалий ёрдам сифатида бирламчи ёнгин ўчириш воситалари ўрнатилди. Ёнгин хавфсизлиги қондаларини тарғиб қилиш мақсадида эслатма ва йўриқномалар берилди.

Ҳозирда тарбиячи ва болалар билан доимий равишда тушунириш ишлари олиб бориляпти. Ёнгинга қарши курашиш мавзусида викториналар, сўхбатлар ҳамда «Ёш ёнгин учирувчилар» гуруҳлари ташкил этилмоқда. Улар орасида мусобақалар ўтказиб бориш мақсадида оромгоҳларга ёнгин назорати хизматчилари бериляпти.

Дам олиш масканларининг барча мутасадди раҳбарлари, ишчи-хизматчилари мавсум давомида ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилишларини таъминлаш учун йўриқномалар тақдим этилди. Ёзги таътилни ўтказиш борасида амал қилиниши лозим бўлган жиҳатларга эътибор қаратадиган бўлсак, биринчи гада оромгоҳ ҳудудидеги биналарнинг ёнгиндан қирилган қисмлари ёнгин эътиборини пасайтирувчи мақсус кимёвий суюқлик билан қайта ишланган бўлиши лозим. Шунингдек, оромгоҳлардаги, барча электр сим ва кабеллар ҳимоя қобилиятининг электр токига қарши чидамлилик даражаси синовдан ўтказилиши керак. Электр ўтказгич ва кабелларнинг носоз қисмлари, чирокни ёқиб қуримлашган ҳамда бошқа турдаги электр манбалари соғлиги тегишлириб, эскилари янғисига алмаштирилиши зарур.

Оромгоҳнинг кўзга кўринарли қисмида бирламчи ёнгин ўчириш воситалари жойлашиб, ёнгинга қарши қалқон ўрнатилиши, унда ёнгин ўчириш воситаларидан — белкурак, металл илгак, болта, 2 донча челак ва ёнгин ўчирувчи асбоб жойлаштирилиб, ёнғида сув тўлдирилган бочка ва кум солинган кути бўлиши зарур. Ходимлар таркибидан камда 4 кишидан иборат кўнгилли ёнгин ўчириш гуруҳи фаолият кўрсатиши лозим. Бирон бир кўнгилсизлик ёки ёнгин ҳақида хабар бериш учун телефон алоқаси ҳамда факултолда хрлатлар содир бўлганда зудлик билан болалар ва маъмуриятни оғохлантириш учун радиотармоқ фаолияти йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Оромгоҳ раҳбарияти ва тарбиячилар болаларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан бохабар бўлиб, уларнинг олов чиқарувчи ўйинчоқлар ўйнамасликларини доим эслатиб туришлари зарур. Шунингдек, керакки, келажакимиз ворислари — болажонларимиз тақдирини кўлимизда ва уларнинг саломатлигини тўлиқ таъминлаш бурчимиздир.

**Даврон ҚАМБАРОВ,** ЎзР ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси ёнгин хавфсизлиги тарғибот гуруҳи катта муҳандиси, капитан

## Биров ишидан, биров оиласидан, биров тўплаган бойлигидан, биров йўққан илмидан бахт туяди. «Олий бахт туйғулари эмас, ақл-идроққа ширин-гандир. Шунинг учун ҳам инсонда энг олий сифат — ақл-идроқдир», — деган экан Сенека.

Яқинда босмадан чиққан «Фалсафа ва ҳуқуқ» илмий-назарий, маънавий-маърифий журнални диққат билан варақласангиз, нимага ишора қилаётганимизни яқин аниқласиз. Дастлабки муаллифлар жамоасининг «Илм-фан ва унинг истиқбол» мақоласида мамлакатимиз илмий-технология салоҳияти ривожининг ижтимоий-иқтисодий, фалсафий, ҳуқуқий жиҳатлари, уни бошқаришнинг долзарб масалалари таҳлил қилинади.

Фалсафа фанлари доктори У. Обиловнинг «Оптимизм, идеал ва маданият уйғунлиги» мақоласида оптимизмнинг фалсафий категорияси ва ҳодиса сифатида моҳияти ҳамда унинг ижтимоий-маданий вазифалари мушоҳада қилинади.

Фалсафа фанлари номзоди Фахриддин Мусаевнинг «Парламентаризм шаклланишининг миллий-маънавий масалалари» мақоласида ўзбек парламентаризмининг юзага келиши, унинг демократия тараққи-

ётидаги ўрни ва аҳамияти очиб берилган. Миллий парламентаризмга муваққиллик натижасида дунёга келган янги ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида қаралади.

Тарих фанлари номзоди Эгамназар Гойибназаровнинг «Демократия ва фуқаровий маданият» мақоласида фуқаровий маданият ва демократия муносабатлари ёритилган бўлса, ТошКТИ катта ўқитувчиси Ҳасимбек Ерқулнинг «Интеллектуал элита ва унинг моҳияти» мақоласида фуқаровий маданиятнинг маънавий салоҳияти очиб берилди.


Бугун бизнинг республикада икки палатали парламент фаолият кўрсатаёпти. Буларнинг ўзари самарали ҳамкорлиги давлат ва жамият бошқаруви демократик асослари ривожига, қабул қилинаётган қонунлар самардорлигининг ошишига катта ёрдам беради.

Дунёда терроризм таҳдиди кенгайиб бормоқда, у оммавий қурбонликларга, моддий ва маънавий қимматликларнинг барбод бўлишига сабаб бўлмоқда. Давлатлар, ижтимоий ва миллий гуруҳлар ўртасида ўзаро низо, ишонсизлик уруғини сочмоқда. Экспертлар уни олти турга ажратди: миллий; диний; давлат; сўлак-

«Ҳаётингиз қандай кечаётганингизга фақат Сиз масъулдирсиз, бошқа ҳеч ким эмас. Бу ҳулоса кўпчиликка ёқмайди, аммо ҳеч нарса қила олмайсиз, белгиланган қоида шундай». Бу сатрлар Жалолдин Румийнинг «Ҳар не истарсан, ўзингда жам эрур Нарса йўқки, хорижи одам эрур».

## Янги журнал

стремитик; ўнгэкстремистик; ҳуқуқий-экстремистик; анархистик. Ҳеч ким жинотнинг бундай туридан ўзини беҳавотир санай олмайди. Профессор Саидмурод Файзиевнинг «Ёшларни терроризмга қарши ғоялар



руҳида тарбиялаш—давр талаби» мақоласида шу ҳақда гап боради.

Ҳуллас, фалсафа ва ҳуқуқ муаммоларига оид мақолалар тафаккурингиз осмонини юлдуздек қароғон қилди. Зеро, Абу Райҳон Беруний «Дону одамлар билалдирик, сиймулар кетади, илму фан қолади. Мен ақлим буюрганидан келиб чиқиб, абадий, ўзгармас из

**Довуд МАҲДИЙ**

## Футбол ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Малайзиянинг Куала Лумпур шаҳрида «Пекин-2008» ёзги Олимпиада баҳсларига чиқиш учун кураш олиб борётган Осиё қитъаси терма жамоалари учинчи саралаш босқичида қуръа кура учга гуруҳга ажратилди. Вадим Абрамов шогирдлари — Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси «В» гуруҳида Сурия, Баҳрайн ва Жанубий Корея футболчилари билан ягона йўланма учун баҳс олиб боришади.

Қуръа натижалари билан танишинг: «А» гуруҳи. Австралия, КХДР, Билан, Ироқ. «В» гуруҳи. Ўзбекистон, Сурия, Баҳрайн, Ж.Корея. «С» гуруҳи. Вьетнам, Катар, С.Арабистони, Япония.

## ҚИШЛОҚ-ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР-ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» автомобилларини нақд ва пул ўтказиш йўли билан, «ВАЗ» автомобилларини нақд пул-га сотишини маълум қилади.

Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади. Автомобилларга боғхона солиғи тўланган. Уларнинг сифати тўла кафолатланади.

Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор. Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 276-33-51, 276-77-20. Факс: (8-371) 276-97-40

6/36 Sportlotto 70 000 000 jackpot 302-тираж якуни

7/35 Sportlotto 30 000 000 jackpot 115-тираж якуни

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталарига реклама ва эълонлар қабул қилинади. Тарифлар бошқа газеталарга нисбатан анча арзон. Тел.: 153-03-90 моб.: 779-19-54

МУАССИС: Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси

БОШ МУҲАРРИР  
Абдухолик  
АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

- Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулв Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллоев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Фуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:

Котибият

153-52-78

Бўлимлар

Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73

Ижтимоий-иқтисодий сийбат бўлими: 153-87-74

Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79

Хатлар ва муҳрирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43

Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:

700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Газета ҳафтаинг

сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов Навбатчи муҳаррир - Ш.Норкулова Навбатчи - Р.Саидхмедова Мусахўф - Д.Раҳмонова

Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга тайёрлаш вақти - 21.00. Топширилди - 21.15

Буюртма Г — 514

Тиражи: 16558

2 3 4 5 6